

Мавзу: ЕР ҲУҚУҚИ МАНБАЛАРИ

РЕЖА:

1. Ер ҳуқуқи манбалари тушунчаси ва уларнинг умумий тавсифи.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ер ҳуқуқининг асосий манбаси .
3. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ер ҳуқуқининг манбаси сифатида.
4. Ўзбекистон Республикаси қонун ости меъёрий хўжжатлари ер ҳуқуқининг манбаси сифатида.

Хар бир фан, ҳуқуқ соҳаси ўз манбаларига эга бўлиб, ушбу манбалар асосида ривожланганидек, мамлакатнинг олий вакиллик органи ҳамда ваколатли идоралари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий хўжжатлар ер ҳуқуқининг манбалари бўлиб ҳисобланади. Ер ҳуқуқининг манбаси сифатида қаралаётган ҳуқуқий хўжжат қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- Ваколатли давлат органлари томонидан қабул қилинганлиги;
- Белгиланган доирада мажбурий аҳамият касб этиши;
- Ердан оқилана фойдаланиш ва муҳофаза қилиш қоида-талабларни белгилаши;
- Расмий шакл, тузилиш, амал қилиш муддатлари ва бошқа атрибутларга эга бўлиши.

Ер ҳуқуқининг манбалари деганда ерга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қоида талаблардан иборат бўлган, ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, тупроқ унумдорлигин тиклаш ва ошириш, табиий муҳитни асраш ва уни муҳофаза қилиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солишда хизмат қиладиган қонунчилик ҳужжатлари тушунилади

Ер ҳуқуқининг манбаси сифатида қаралаётган
ҳуқуқий ҳужжат қуйидаги талабларга жавоб
бериши керак:

- Ваколатли давлат органлари томонидан
қабўл қилинганлиги;
- Белгиланган доирада мажбурий аҳамият
касб этиши;
- Ердан оқилана фойдаланиш ва муҳофаза
қилиш қоида-талабларни белгилаши;
 - Расмий шакл, тузилиш, амал қилиш
муддатлари ва бошқа атрибутларга эга
бўлиши.

Ер муносабатларини тартибга солувчи конституциявий қоидалар, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳам да Вазирлар Маҳкамасининг фармон ва қарорлари, Махсус ваколатли давлат бошқарув органлари ҳам да маҳаллий давлат ҳокимият органларининг меъёрий хўжжатлари йиғиндиси ерга оид қонунчилик хўжжатлари тизимини ташқил этади. Ер ҳуқуқининг манбалари кенг қамровли ижтимоий муносабатларни тартибга солиши учун ҳам уларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

Юридик кучи бўйича манбалар қонунлар ва қонуности меъёрий хужжатларига бўлинади;

- Ер оид муносабатларни тартибга солиниши йўналишлари бўйича: ерларни муҳофаза қилиш қонунчилиги;
- ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш қонунчилиги;
- ҳуқуқий тартибга солиш ҳолати бўйича моддий ва процессуал аҳамият даги қонунчилик хужжатлари;
- қонунчилик хужжатларининг тизими бўйича оддий ва кодификациялашган манбалар;
- қонунчилик хужжатларининг қўлланилиши доираси бўйича: ҳудудий-минтақавий, республика миқёсида, халқаро миқёсдаги манбалар ва ҳакозо.

Ер қонун хужжатлари мураккаб тизимга
эга бўлиб, ўз мазмун-моҳиятига кўра биз
уларни ўрганишни осон бўлиши учун **уч**
асосий қисмга бўламиз:

-Ер ҳуқуқининг **конституциявий**
асослари;

-Ер соҳасидаги **Ўзбекистон**
Республикасининг қонунлари тизими;

-Ер соҳасидаги қонуности **меъёрий**
хўжжатлар тизими.